

Таълим тизими ислоҳоти баркамол авлод тарбияси гарови

Таълим ва тарбия масаласи инсоният тарихида мавжуд бўлган барча маданийлашган жамиятларда энг долзарб муаммолардан бири бўлган. Тарихдан маълумки, ёш авлодга юқори савияда таълим ва тарбия бериш орқали барча халқлар ўз тараққиётларининг кейинги босқичига эришган. Инсоният тараққиётининг бугунги босқичида ҳам тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган барча давлатларда таълимни замонавий талаблар асосида ислоҳ этиш ва давр талабига мос тарбия тизимини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммо бўлиб қолмоқда.

Таълим-тарбия тизими моҳиятан инсон фаровонлигининг ошиши, фуқароларнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга қаратилган давлат ва жамиятнинг келажакка сармоясидир. Қолаверса иқтисодий тараққиёт ва инсонлар фаровонлигининг ўзи халқнинг маънавий юксалиши натижасидир. Иқтисодий тараққиёт ва сиёсий барқарорлик эса ўз ўрнида илм-фан ва маданият юксалишига замин яратувчи тарихий шароитдир. Яъни, таъкидлаш мумкинки, таълим-тарбия тизимини ривож иқтисодий тараққиёт ва сиёсий барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган тарихий жараён дир.

Мамлакатимиз олдида турган юксак стратегик мақсад ҳақида сўз юритар экан, Президент И.А.Каримов қайд этганидек, у “барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат куриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий кадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш”¹дан иборат дир.

Модомики, инсон тараққиётнинг ҳам асосий мақсади, айтилиши вақтда, ҳам асосий ҳаракатлантирувчи кучи экан, инсоннинг тараққий этиш даражаси кўп жиҳатдан индивиднинг ўзи жамият, минтақа, шаҳар, туманнинг ҳаёти ва фаолияти масалаларини ҳал қилишда қанчалик иштирок этиши билан ҳам белгиланади. Шу сабабли, инсон тараққиётининг таркибий қисмларидан бири алоҳида инсоннинг ва гуруҳларнинг ўз манфаатларига мувофиқ ҳамда жамият ривож ийишида ҳаракат қилиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат². Бу эса одамларни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этиш, уларнинг сиёсий фаоллигини ва жамиятдаги ролини ошириб бориш зарурлигини англатади.

2003 йилги Инсон тараққиёти бўйича дунё миқёсидаги маърузада келтирилган **Инсон тараққиёти ва Минг йиллик ривожланиш мақсадларининг ўзаро нисбатида** таълим олиш: умумий бошланғич таълимга эришиш, аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш (айниқса таълимда) ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш инсон тараққиёти концепциясининг иккинчи муҳим тамоили сифатида тан олинди³.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи”. 2010 йил 13 ноябрь.

² Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишнинг парламент томонидан таъминланиши. Ўзбекистон: Амалий қўлланма. – Тошкент, 2011. – 5 Б.

³ Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ва инсон тараққиёти принципларини амалга оширишнинг парламент томонидан таъминланиши. Ўзбекистон: Амалий қўлланма. – Тошкент, 2011. – 14 Б.

Ўтиш даврининг кўпгина давлатлари каби мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон таълим соҳасида жиддий муаммоларга дуч келди. Мамлакат соҳадаги олдинги даврдаги ҳолатни яхшилаш, мерос бўлиб қолган салбий оқибатлар ҳамда ўтиш даври муаммоларни бартараф этиш учун самарали ва машаққатли меҳнат амалга оширди.

Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб таълим соҳасида тизимли ислохотларни амалга ошира бошлади. Бунда аҳолини узлуксиз таълим олиши тамоили, принципал янги ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими, 12 йиллик бепул ўрта таълим тизимини сақланганлиги асос қилиб олинди.

1997-2006 йиллар давомида Ўзбекистон ҳар йили таълим тизимига ўртача ЯИМ нинг 9-10% ни ва давлат бюджети харажатларининг 23-29% ни сарфлаб келмоқда. 2012 йилга келиб бу кўрсаткич ... етди.

Давлат ва жамият иқтисодиётининг юксалиши, сиёсий барқарорлиги илм-фан ва маданият юксалишига замин яратади. Ўзбекистонда ҳам айнан шу жараён кўзатилмоқда. 1989 йилдаёқ ЎзССР Фанлар академиясида нутқ сўзлаган И.А.Каримов, «Республикада ками билан 2010 йилгача илмий сиёсат концепциясини ҳамда Ўзбекистонда фан ва техникани ривожлантиришининг тегишли программасини ишлаб чиқиш жуда зарур»⁴, - деб таъкидлаб, «Фан соҳасидаги кадрларни жадал кўпайтириш ва ёшартириш учун, Ўзбекистон интеллектуал имкониятларини кескин даражада ошириш учун республика раҳбарияти ҳозир зарур маблағларни, жумладан, валюта маблағларини ажратишга, тегишли ташкилий масалаларни ҳал қилишга тайёр»⁵, - деган эди.

Айнан шу фикрлар исботи сифатида Ўзбекистон мустақиллик йилларида халқ таълимини ислох этиш борасида катта ютуқларга эришди. Мустақилликка эришган Ўзбекистонимизнинг давлат сиёсатининг илк кунлариданоқ таълим-тарбия масаласи асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Чунки, мамлакатимизнинг барча жабҳаларида кечаётган янгиланишларнинг самараси, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар билан чамбарчарс боғлиқдир. 1992 йилда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши юртимизда таълим ислохотлари йўлидаги илк қадам бўлди. Эндигина жаҳон ҳамжамияти сари юзланаётган Ўзбекистон ўтиш даврида бўлиб, қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳам ушбу шарт-шароитлар тақозасига асосланарди.

Ушбу ислохот таълим соҳасини эскича қарашлардан озод бўлишга ва келажак учун замонавий дастурлар истиқболини ишлаб чиқиш имкониятини берди. Аммо, эришилган бу ютуқлар халқимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида вужудга келаётган улкан муаммоларга тўлиқ жавоб бера олмай қолди.

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан жаҳон таълим андозаларига тўлақонли равишда жавоб бера оладиган ва улар билан рақобатга ҳам кириша олувчи узлуксиз таълим дастури ишлаб чиқилди. 1997 йил 29

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 87 Б

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 83 Б.

августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 34 моддадан иборат “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва уч босқичли “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури” қабул қилинди⁶. Кўзланган асосий мақсад таълим ислохатларини чинакам чуқурлаштириш ва шу орқали Ўзбекистондаги ёш авлоднинг келажак сари юксалишига замин яратиш эди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда таълим соҳасида узлуксиз таълим тизими фаолияти йўлга қўйилди, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели шаклланди. Мамлакатимизда таълим тизими ислохоти уч босқичда амалга оширилиб улар қуйидагича:

- кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури асосида биринчи босқичда (1997-2001 йиллар) таълим тизими мазмуни таркибий қайта қуриш ва тубдан янгиланди, педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этилди. таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этилди.

- иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) да мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, ўқувчиларни қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтилди. Таълим муассасаларида махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланди, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилди. Шунингдек, таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилди, ўқув тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланди.

- учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажриба таҳлил этилиб ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига муфовиқ кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилмоқда ва янада ривожлантирилмоқда.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда таълим тизимини янада юксалтириш, замон талаблари даражасида такомиллаштириб бориш борасида ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, давлат бюджетидан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун 2010 йилга нисбатан 1 триллион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланди⁷.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, баркамол авлод тарбияси бу келгуси тараққиёт гаровидир. Мамлакатимизда таълим ва ёшлар тарбиясига бўлган юксак эътибор келажакни уйлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсатдир. Таълим ислохоти натижасида вужудга келган янги замонавий талаблар асосида шакланган таъли тизими ва уни фаолиятини самарси ва сифати шубҳасиз баркамол авлодни шакллантириради. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда юртимиздаги таълим-тарбия соҳаси ходимлари олдида баркамол авлод тарбиясидек юксак, шарафли ва маъсулиятли вазифани қўяди.

⁶ Халқ сўзи – 1997 йил, 4 сентябр.

⁷ Халқ сўзи – 2011 йил, 22 январь.

Таълим-тарбия тизимини ислоҳоти ҳар қандай жамиятда келажакка қўйилган энг қийматли инвестициядир. Айнан, баркамол авлодни тарбиялаш ва ёш авлод онгида инсонпарварлик, фидоийлик, Ватанга садоқат тушунчаларини шакллантириш ва юксалтиришда бевосита яратиладиган таълим-тарбия тизими ва унда таълим ва тарбиянинг мазмунан тўғри эканлиги таъминлайди. Ушбу ҳақиқат бугунги авлод тафаккурида энг устувор вазифа сифатида шаклланган бўлиши, қолаверса мамлакат ҳукумати ва раҳбарияти томонидан таълим-тарбия масаласи энг устувор вазифалардан бири сифатида баҳоланиши, Ватанмиз келажаги порлоқ эканлигини кафолати бўлиб хизмат қилади.